

ҚАДИМИЙ МИРЗАЧЎЛДА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Алибеков У., Маматов Ш. Гулистон давлат университети.

Сирдарё вилояти қадимда деҳқончилик билан шуғулланувчи суғдлар ва бактрияликлар ҳамда чорвадор скиф-сак қабилалари чегарасида жойлашганди. Дастлаб бу ҳудуд қадимги Суғд давлати таркибига, кейинроқ эса мустақил Уструшона давлати таркибига кирган. Бу ерда ўзига хос деҳқончилик ва чорвадорлик маданиятини қоришиқ тури вужудга келган. Қадимда грек-македон қўшинлари ўтиши билан мустаҳкам қалъалар қурилган, карвон йўлларида дам олиш қўналғалари, сардобалар, дарёдан ўтиш жойлари вужудга келган ва йиллар ўтиши билан худди шу жойларда шаҳарлар ташкил топган.

Узоқ Шарқни Олд Осиё билан ғарбий Европа халқларини бирлаштирувчи қадимий савдо йўналиши - Буюк Ииак йўли маълум маънода қадимий Мирзачўл ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Ўрта асрлар даврига келиб савдо йўллари қенгайиши, чорвадор халқлар ичига ҳам карвонлар боришга имконияти яралиши билан Мирзачўлда ҳам шаҳарлар вужудга кела бошлади. Бундай шаҳарлардан биз Сайхунобод туманидаги Нурота (Хушкат), Эски Ховос, ҳозирги Янгиобод туманидаги Савот қишлоғи яқинидаги Култепа шаҳарларини айтиб ўтиш кифоя.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, қадимий карвон йўлининг Суғд ва Чочни бирлаштирувчи қисми Мирзачўлнинг шимолий ҳудудларидан ўтган эди.

Араблар истилосидан кейинги даврда Марказий Осиёнинг иқтисодий юксалиши Мирзачўлни Шарқий қисми дарё бўйи карвон йўлининг ривожланишига сабаб бўлди. Мирзачўлнинг жанубидан ўтган, Суғд-Хўжанд-Фарғона карвон йўлидан янги бир шахобча, яъни Сирдарё орқали Чочга ўтаган йўл вужудга келди. Бу йўл ўз навбатида Эски Ховос, Сирдарё бўйидаги Хушкат шаҳарлари ривожига олиб келади.

Юқорида қайд этилган ёдгорликларнинг барчаси X-XII асрларга тааллуқли бўлиб, асосан улар карвон йўлларида жойлашган ёки кейинроқ айрим бирлари, Сирдарёдан ўтиш жойи бўлиб қолган. Бу карвон йўлининг охири эса Нурота ёки Хушкат шахрига олиб борган. Хушкатга боргач Сирдарёдан тўғри Бинокентга ундан эса Чочга томон карвон йўллари давом этган. Айнан IX-XI асрларда бу карвон-йўлининг ривожланишига сабаб бу бир томондан кўчманчи-саклар истиқомат қилувчи шимолдан савдо карвонларига талончилик ҳужумлари кучайиб кетгани билан ҳам изоҳланади.

Нурота шахри ёдгорлиги Сайхунобод тумани, Шоликор жамоа хўжалиги худудида, Сирдарё бўйида жойлашган. Шаҳар худуди 40-45 гектарни ташкил қилган, ўзлаштириш даврида бир қисми экин экиладиган ерларга қўшиб юборилган, бир қисми устида замонавий қишлоқ жойлашган, қолган 7,5 гектари эса қабристон учун ажратилган. Мазкур шаҳар IX аср охирларида, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Бинокент шахрига карвонлар

ўтувчи, кўрғон қўналға сифатида вужудга келган. Бу ердаги ҳаёт то XI аср биринчи ярмига қадар давом этган.

Шаҳар ҳаётининг ривожланиши иккинчи мўғуллар истилосидан кейинги замонларга тўғри келади. Шаҳар ўрта асрлар даврида Хушкат номи билан юритилган.

Нурота шаҳар ёдгорлигидан топилган сопол буюм қолдиқлари, нумизматик (тангалар) топилмалар шаҳарнинг Шош (Чоч) билан узвий алоқада бўлганлигини исботлайди. Иккинчи томондан эса, мазкур шаҳар Уструшона шаҳарлари айнан, сомонийларнинг Култепа (Совот) шаҳри билан узвий алоқада бўлганлигини ашёвий далиллар кўрсатади. Шаҳар харобаларининг ташқи кўринишдан марказий минора бўлганлиги, шаҳар шимолидан жануб томон марказий йўл бўлган. Шаҳарнинг тараққийсида Мовароуннаҳрнинг жанубий вилоятларини шимол билан бирлаштирувчи карвон йўли катта роль ўйнаган. Араб географлари маълумотида бу йўл Ховос орқали ўтган. Ибн Хурдодбек маълумотида кўра Ховосдан аш-Шош дарёси бўйига 9 фурсах бўлган. Кейин эса Бинокент кўпригидан ўтилган.

Ўлкамизнинг қадимий тарихини ўрганган археолог олим А.А.Грицинанинг фикрига кўра, Бинокент шаҳри қаршисида IX асрда аввал дарёдан кечиш жойида карвонсарой бўлган. Чочда шу даврда мавжуд бўлган сопол буюмлар бу ердан ҳам топилган. Кейинчалик карвонсарой атрофида шаҳар шакллانган.

Шўркўл яқинида Учёғоч, Мирза-Работ деган жойда ва ҳозирги Гулистон туманининг «Боёвут» ширкатлар уюшмасида жойлашган Каллатепа деган жойда карвонлар тўхтаб ўтиши учун карвонсаройлар бўлган. Мазкур ҳудудларда қадимшунос олимлар М.Е.Массон, Ю.Ф.Буряков ва рус тарихчиси В.Ф.Караваевлар карвонсаройлар қолдиғини кўрганликларини ёзиб қолдиришган. Араб географ сайёҳи Кудамма ҳам ўз даврида мазкур карвонсаройлар ҳақида ёзиб қолдирган.

Хушкат (Нурота) шаҳрининг вужудга келиши Сомонийлар давлатининг шаклланиши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Янги бир давлатнинг янги иқтисодий юксалиши сабабли вужудга келган Нурота шаҳри Сомонийлар давлати таназзули билан аста-секин харобага айланиб борган. X асрнинг ярмидаёқ Сирдарёнинг юқори оқимида карвонларнинг янги бир ўтиш жойининг шаклланиши билан Хушкат шаҳри ҳам ўз аҳамиятини йўқотади.

Юқоридаги фикрларимиз шуни тасдиқлайдики, Мирзачўлда шаҳар маданияти Буюк ипак йўли ўтиши билан боғланади. Демак, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши тарихи ҳам Буюк ипак йўли тарихи билан узвий боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. - Т.: «Фан», 1992.
2. Буряков Ю.А. Историческая топография городов Ташкентского оазиса. - Т.: «Фан», 1975.
3. Ибн Хурдадбек. Книга Путей и Стран. - Баку: «Элм», 1986.
4. Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и настоящем-СПб.,1914.
5. Голодная степь, 1867-1917 История края в документах. М. 1981.
6. Нуриддинов З.В. Мирзачўл ўтмишда ва ҳозир.- Т., 1957.